

Ўзбекистон — Латвия бизнес-форуми

Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 28 май куни Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, ёқилги-энергетика, машинасозлик, авиаташув, қурилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология, озиқ-овқат, кимё, энгил sanoat, тўқимачилик, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мебелсозлик, мейморчилик, фармацевтика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва фан-таълим каби соҳалар учун маъсул вазиридан, — деди Латвия Республикаси иқтисодиёт вазири Вячеслав Домбровский. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси мунтазам ўсиб бормоқда. Латвияда ўзбекистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Икки мамлакат ўртасида мунтазам амалга оширилаётган авиақатнов сайёҳлик соҳасидаги истиқболли ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Латвия Ўзбекистон билан бошқа соҳалар қатори таълим ва соҳаларда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор.

Бизнес-форумда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, транспорт ва логистика, банк сектори, ахборот-коммуникация технологиялари, sanoat, сайёҳлик, озиқ-овқат, энгил sanoat, тўқимачилик ва фан-таълим соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Латвия ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Анжуманда Латвиянинг қатор йирик компанияларидан юзга яқин вакил иштирок этганининг ўзиёқ ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши катта эканидан далolatдир. «LDZ Cargo», «Astra Logistic», «Ave Trans Group», «BAO», «HCT Automotive», «IMC Scrapers EAME», «Baltbio», «Travel Agency Spare», «Tonus Elast», «Lauma Fabrics», «A&A Logistic» каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридagi ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш ниятида эканини қайд этди.

Компаниямиз тўқимачилик sanoatida фаолият юритади, — деди «Nikol Djupov» компанияси раиси Николай Бирюков. — Ўзбекистон бозори ғоят истиқболли экани билан бизга манзур бўлмоқда. Ўзбекистонда аёллар кийим-кечаги ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона ташкил этиш ниятидамы.

Бизнес-форум доирасида таълим, энгил sanoat, тўқимачилик, экспортни қўллаб-қувватлаш ва коммунал соҳаларда ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Шу куни Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Латвия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган бир қатор товарларнинг экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилди.

Меҳмонлар «General Motors Powertrain Uzbekistan» ва «Rietter Uzbekistan» корхоналари фаолияти билан танишди.

Ирода УМАРОВА, Ўза мухбири.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг роли ошмоқда

ЎзХДП Марказий Кенгаши маъсул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва вилоят партия кенгашлари раҳбарлари, маъсул ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, экспертлар, олимлар, ёшлар навбатдаги сиёсий ўқув машғулотларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш масаласини муҳокама этди.

Семинар «Демократик модернизациялаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партиялар ролини оширишнинг ҳуқуқий асослари» мавзусига бағишланди.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари: — Маълумки, Президентимиз Конституцияга байрамига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Олий Мажлисининг ролини янада ошириш, фақатгина қабул қилинган қонунларнинг ижросини тегишли равиш билан чегараланмасдан, Вазирлар Маъжмаси ҳамда ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда, энг муҳим стратегик масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш учун Конституциямизга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадаги мувофиқ бўлишини қайд этган эди.

Ана шу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг қонунчилик ташаббуси асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва

117-моддаларига)ги қонун қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Бош қомусимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар демократик ислохотларни янада мустаҳкамлади. Ушбу ўзгартишларни кенг жамоатчиликка етказиш, фуқароларни мазкур янгиланишлар моҳияти хусусида тўлароқ хабардор қилиш муҳим вазифалардан саналади.

Иштирокчилар фикрига кўра, қонунда назарда тутилган меъёрлар ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг роли, мамлакатни ислох этиш ва модернизация қилишга доир энг муҳим вазифаларни ҳал қилишда уларнинг иштироки тубдан кучайишига ҳуқуқий шартлар яратди.

Бу эса ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини самарали амалга оширишда, эҳтижманд аҳоли вакиллари манфаатларини кафолатли ҳимоялашда, жойларда ижтимоий муаммоларни оқилона ҳал этишда, парламент ва депутатлик назорати таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

Ижро ҳоқимияти фаолияти устидан парламент назоратини жамоатчилик назорати билан уйғун олиб бориш яхши самара беради.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ЎзХДПда СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ



Қонунни аҳоли ўртасида кенг тушунтиришда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан узвий алоқалари тизимли давом этиши лозим.

Улугбек ВАФОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари:

— Конституциянинг 78-моддасига киритилган ўзгартишга асосан Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатлари доираси янада кенгайтирилди. Ижро ҳоқимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қонунлар ва ҳуқуқ қарорлар ва жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий асослари янада бойитилди.

Айтиш жоизки, парламент назоратини амалга оширишда сиёсий партиялар муҳим вазифаларни бажаради. Сиёсий партиялар парламентнинг қонун иждорлиги фаолиятида ўз депутатлари орқали иштирок этгани каби, бу жараёнда ҳам, аввало, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳларнинг ваколатларидан кенг фойдаланган ҳолда қатнашади.

Шунингдек, қонун ҳужжатларини жойларда қандай бажарилаётганини ўрганишда маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Бизга маълумки, маҳаллий партия ташкилотлари ёрдами билан депутатлар аҳоли қандай муаммоларга дуч келаётгани, қонунлар қандай ишлайётгани билан бирга, фуқароларимизда қандай қонунларга эҳтиёж борлиги ёки амалдаги қайси қонунга қандай ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги ҳақида тақлиф ва тавсиялар олади. Шу боис ижро ҳоқимияти фаолияти устидан парламент назоратини жамоатчилик назорати билан уйғун олиб боришни жуда муҳим, деб ҳисоблайман.

Маъруза ва муҳокамалар чоғида қайд этилдики, қонунни аҳоли ўртасида кенг тушунтиришда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан узвий алоқалари тизимли давом этиши лозим. Бунда маҳаллий партия таш-

килотлари фақат ташкилотчигина эмас, балки ташаббускор бўлиши зарур.

Семинарда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бош консультанти Икром Соиповлар сўзга чиқиб, Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар давлат ҳоқимиятининг янада демократлашуви, унинг мустақил тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тамойили ривожланиши, шунингдек, сайлов тизими янада такомиллашувининг муҳим омилга айланганини таъкидлади.

Семинар сўнгида Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, шундай семинарларни вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда БПТ-да ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Лазиза ШЕРОВА, Ўзбекистон овози мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ижтимоий ҳимоя қонунчилиги

ва уни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди



Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, дунёнинг айрим давлатларида яққол сезилиб қолаётган бу ҳолат ижтимоий барқарорликка, жамиятдаги умуминсоний муносабатларга, тараққиёт мувозанатига пугур етказмоқда.

Хавотирлиси, яшаш, илм олиш, даволаниш каби инсоннинг энг олий ҳуқуқлари кафолати хавф остида қолаётди. Шунинг учун ҳам жаҳон мамлакатларида ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ факт ва рақамлар таҳлил қилиниб, бу борадаги кафолатларни, қонунчиликни мустаҳкамлаб боришга доимий эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан бошлаб ижтимоий ҳимоя масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Хусусан, 1991 йилда Президи-

ментимизнинг «Ўзгалар парварлиги муҳтож яқка-ёлғиз пенсияонерларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун мустақил давлатлар орасида бириктирилган қаторида қабул қилинди. 1994-1996 йилларда аҳолининг муҳтож қатламларига моддий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳуқуқ қарорлари қабул қилиниб, улар асосида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Миллий қонунчилик билан халқаро қонун ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилди. 2009 йил февраль ойида Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Ноғиронлар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Конвенциясини имзолади.

Ўтган давр мобайнида юртимизда ижтимоий муҳофаза масалаларига оид 100 дан зиёд

қилиш вазири, Молия вазирилиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси мутахассислари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви мутахассислари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик мутахассиси Баҳодир Шароповнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда эҳтиёжманд оилалар, ноғиронлар, аёллар ва болалар, пенсионерлар, ёлғиз кексалар, ишсиз фуқаролар ижтимоий ҳимоя қилинаётган аҳоли тоифаларига қаради.

Ижтимоий ҳимоялаш моддий қўллаб-қувватлаш (ижтимоий нафақа, бошқа тўловлар), тиббий, касбий, ижтимоий реабилитация қилиш, ўқитиш, касбга тайёрлаш ва малака ошириш, иш билан таъминлаш, ижтимоий инфраструктура объектларига тўқинликсиз кириш, ахборот тизимидан эркин фойдаланиш учун шартлар яратиш каби асосий йўналишларда амалга оширилмоқда.

Мутахассиснинг фикрига кўра, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлашда меъёрий-ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш, жаҳон стандартларига мослаштириш муҳим масала ҳисобланади.

Семинарда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг биринчи ўринбосари Махмуджон Зиёдуллаев аҳолини манзилли қўллаб-қувватлашда жамғарманинг иштироки, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси ўринбосари Гаҳар Алимова маҳаллий аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айланти-

риш масалалари ҳақида сўз юритди.

Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза масалалари кўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Фахриддин Ражабовнинг айтишича, кўмита Наманган ва Навоий вилоятларида Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун, шунинг таъкидлашича, Ўзбекистонда эҳтиёжманд оилалар, ноғиронлар, аёллар ва болалар, пенсионерлар, ёлғиз кексалар, ишсиз фуқаролар ижтимоий ҳимоя қилинаётган аҳоли тоифаларига қаради.

Ижтимоий ҳимоялаш моддий қўллаб-қувватлаш (ижтимоий нафақа, бошқа тўловлар), тиббий, касбий, ижтимоий реабилитация қилиш, ўқитиш, касбга тайёрлаш ва малака ошириш, иш билан таъминлаш, ижтимоий инфраструктура объектларига тўқинликсиз кириш, ахборот тизимидан эркин фойдаланиш учун шартлар яратиш каби асосий йўналишларда амалга оширилмоқда.

Семинарда бозор муносабатлари такомиллашиб бораётган, мамлакатимиз тараққиёти юксалётган шароитда ижтимоий ҳимоя бўйича ягона қонунчиликни янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади, деган хулосага келинди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ, Ўзбекистон овози мухбири.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

ўз сайлов округларида учрашувлар ўтказмоқда



Фаруқ АЛИЕВ олган сурат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҲХДП фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, мазкур тадбирларда аҳоли вакиллари фаол иштирок этапти. Улар томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинган қонунлар аҳамияти ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Тошкент вилояти 89-Дўстобод сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат, ҲХДП фракцияси аъзоси Сайидвали Аҳмедов кунча Окқўрғон туманидаги «Бирлик» маҳалласида сайловчилар билан учрашди. Депутат юртимизда ҳар бир одам меҳнат қилиши, ўз қобилияти ва фуқаролик позициясини намоян этиши учун яратилган шарт-шароитларга алоҳида тўхталиб ўтди. Яқинда қабул қилиниб, кучга кирган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётиимизда тугган ўрни юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Депутат мазкур қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаб, маҳаллий ҳокимликлар қабул қилаётган қарорлардан аҳолининг хабардор бўлиш қарорларини мустақамлаганини айтди.

— Иш юзасидан ҳокимликлар, мутасаддид ташкилотларга тез-тез муносабат қилишимизга тўғри келади, — дейди **Кўргонтепа маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Рашид Тунгагарова**. — Кўп ҳолларда оддий ахборот ёки маълумот олиш учун вақт кетарди. Очиги, баъзида бу-

нинг умуман имкони бўлмади. Қонун матбуотда расман эълон қилинган кунёқ у билан яхшилаб таъиниб чиқдим. Энди ахборот олиш ҳақидаги сўровимизга белгиланган муддатда, албатта, жавоб берилди. Маҳаллалардаги кундалик ижтимоий-маиший масалаларни тез ва самарали ҳал қилишда бу муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қонун мазмун-моҳияти ҳақида депутат билан бўлган суҳбатдан сўнг ўзимизга зарур хулосалар чиқариб олдим.

Депутат учрашувда дунёнинг айрим давлатларида давом этаётган сиёсий беқарорлик ва чигал вазиятларга, тинчликни асраш бўйича Ўзбекистоннинг расмий позициясига тўхталиб ўтди. ҲХДП фракцияси аъзоси Сайидвали Аҳмедов кунча Окқўрғон туманидаги «Бирлик» маҳалласида сайловчилар билан учрашди. Депутат юртимизда ҳар бир одам меҳнат қилиши, ўз қобилияти ва фуқаролик позициясини намоян этиши учун яратилган шарт-шароитларга алоҳида тўхталиб ўтди. Яқинда қабул қилиниб, кучга кирган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётиимизда тугган ўрни юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Учрашувда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳақида ҳам савол-жавоб бўлди.

9-Андижон сайлов округидан депутат, ҲХДП фракцияси аъзоси Ҳафиза Каримовнинг учрашувлари Андижон шаҳрида ўқитувчилар ва ёшлар иштирокида қизгин мулоқот билан бошланди. Ушбу тадбирда ҲХДП Андижон вилоят, Андижон шаҳар кенгашлари ва маҳаллий ҳокимлик вакиллари иштирок этди.

Депутат юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маъруза қилди. Унда, хусусан, Конституциямизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг муҳим йўналишлари, уларнинг ҳаётиимиздаги аҳамияти ҳақида атрофлича маълумотлар берилди. — Учрашувда, айниқса, ёшлар фаол қатнашганидан хурсанд бўлдим, — дейди депутат. — Улар бирин-кетин сўзга чиқиб, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида қўйлаётган чоралар, яратилган шароит ва имкониятлардан мамнун эканликларини айтишди.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсатини янада изчил амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришга қаратилган механизмлар ҳақидаги маълумотлар қатнашчиларни бе-

фарқ қолдирмади. Андижон шаҳар педагогика коллежи битирувчилари Бекзод Умаралиев, Жаҳонгир Исмоилов сўзга чиқиб, спортнинг каноэда эшак эшиш тури бўйича Ўзбекистон ва Осиё чемпионатида қўлга киритган ғалабалари, шу орқали олий ўқув юртига имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўлганликларини фахр билан гапирди.

Учрашувда ҲХДП фаоли Улғубек Каримов ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ва фаолияти ортиб бораётгани, улар сиёсий партиялар сафига кириб, давлат бошқаруви демократлаштиришда иштирок этаётганини таъкидлади. ҲХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Андижон вилоят бўлими фаолияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Сайловчилар депутатга касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар берди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ҲХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Коллеждан — корхонага тизими шунчаки гап эмас

бунда минглаб йигит-қизларнинг катта ҳаётга ташлаётган дастлабки қадами, эртанги кунга ишончи, ҳаётдан рози бўлиб яшаши каби устувор мақсадлар мужассамлашган

Бугун ҳар бир касб-ҳунар коллежи битирувчисини қаерда ишласам экан, деган савол ўйлантириши табиий. Бундай пайтда уларга тўғри йўл кўрсатиш, эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш ёки бирор мустақил иш бошлаши учун рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга. Мирзаобод ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи битирувчиси, ҲХДП аъзоси Мафтуна Эргашева ана шундай ёшлардан бири.

У коллежда эгаллаган билим ва кўникмалари асосида мустақил ишни бошлашга қарор қилди. Мафтуна ҲХДП Сирдарё вилоят кенгаши Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими ҳамда «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими ташаббуси билан Мирзаобод туманида ўтказилган «Касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ўз эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги форумда тикувчиларни ривожлантириш бўйича тайёрлаган бизнес-режасини тақдим этди.

Мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҲХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, Марказий банк вилоят бошқармаси, Савдо саноат палатаси, туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходимлари ҳамда қатор тижорат банклари вакиллари иштирок этди.

Унда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш, оливи тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчиликка жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Форумда қонунчилигимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларни ишга жойлаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар, берилган имтиёзлар ҳақида **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҲХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов** батафсил тўхталиб ўтди.

Хусусан, меҳнат қонунчилигимизда коллеж битирувчиларини корхона ва ташкилотларга синов муддатисиз ишга қабул қилиш билан боғлиқ ўзгариш киритилгани, бу борада иш берувчининг масъу-



Фаруқ АЛИЕВ олган сурат.

лият янада кучайтирилгани ишга қабул қилинаётган ёшлар учун бир қанча қулайликлар яратилганини қайд этди.

Шунингдек, депутат ишга қабул қилишда, энг аввало, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларга, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчиларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Бу борада касб-ҳунар коллежларидаги йўналишларни маҳаллий меҳнат бозори эҳтиёжлари, минтақанинг иқтисослашувини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш лозим. Мазкур жиҳат битирувчиларни эгаллаган мутахассислиги бўйича ишлашига замин яратди.

Тадбирда битирувчилар бандлигини таъминлашда юзага келаётган камчиликлар, бу боғида партия ва депутатлари ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари олдида турган вазифалар хусусида **ҲХДП Марказий Кенгаши Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими муdiri Боймурод Юсупов** фикр юритди.

— ҲХДП ва унинг парламентадаги фракцияси томонидан ёшлар масаласига жиддий эътибор берилмоқда, —

деди у. — Хусусан, ўтказилаётган тадбирларда, ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишларига ҳамда ўз режасини ҳаётга татбиқ қилишига кўмак бериш, шунингдек, уларнинг сиёсий бандли-

чилиш маркази ходимлари касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг кредит олиш ва уни қайтариш билан боғлиқ масалалардаги саволларига жавоб беришди.

— Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига кўра жорий йилда туманимизда 2742 иш ўрни яратилиши кўзда тутилган, — дейди **Мирзаобод туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Уктам Қурбон**. — Яратилаётган иш ўринларининг ак-

миздаги касб-ҳунар коллежларини 753 нафар йигит-қиз таъминлайди. Айни кунларда уч томонлама шартнома асосида ўқувчиларни амалиётга жойлаштиришга тайёрлик қўрилмоқда. Мирзаобод ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи томонидан 46 корхона ва ташкилот билан шартнома имзоланган. ҲХДП йили сўнгги га қадар мазкур коллежни таъминлаган 300 нафардан ортиқ битирувчи ана шу корхоналарда иш бошлаши кутилмоқда.

Форумда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари томонидан банкдан кредит олиш учун тузилган бизнес-режалар тақдим этилди. Уларга Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари ходимлари томонидан тушунтириш берилди.

— Мен тақдим этаётган бизнес-режа учун банкдан 2 миллион 700 минг сўм кредит олишни режалаштирдим, — дейди **Мирзаобод ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи битирувчиси Мафтуна Эргашева**. — Бизнес-режа тикувчиликнинг унчалик оммалашмаган йўналишига қаратилган. Яъни, қўлда турли буюмлар, сумкалар, картмонлар тўқилади. Бизнес-режа тузишдан олдин бозордаги талаб ва таклифни ўрганиб

чиқдим. Тайёрлайдиган маҳсулотларимизга туманимизда, Гулистон ҳамда Тошкент шаҳрида талаб бор. Агар ўйланган режа амалга охша, айтилган муддатда кредитни қайтараман ва ҳар ой 600 минг сўмга яқин даромад олинг.

— Мафтуна Эргашева томонидан таклиф этилган бизнес-режа пухта ўйланган, аниқ ҳисоб-китоб қилинган, — дейди **Савдо саноат палатаси вилоят бўлими раиси ўринбосари Дониёр Кўчқоров**. — Мақсулота бўлган талаб ва таклиф ўрганилган.

Олинган кредит аниқ мақсадга йўналтирилиши белгиланган. Бундан кўриниб турибдики, бугун меҳнат бозорига киритилган ёшлар ўз олдига юқори мақсадлар қўйган. Ҳозирданок ўйланган бундай режалар эртанги кунга қадар қатъий қарор бўлади. Биз эса ёшларнинг бу борадаги интилишларини рағбатлантириб боришга ҳаракат қиламиз.

Тадбирда Мафтуна Эргашева сингари ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишда «Истиқбол» ёшлар қанотини имкониятларидан ҳам унумли фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

Форум доирасида меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди. Унда Мирзаобод туман тиббиёт бирлашмаси, электр тармоқлари корхонаси ҳамда бир қатор ташкилотлар 200 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашди.

Тадбирда, шунингдек, **Сирдарё вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Алишер Тошматов, ҲХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Шохрух Абдурахмонов, Марказий банк вилоят бошқармаси ходими Акбар Рустамов** ва бошқалар маълум юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Коллеждан — корхонага тизими шунчаки гап эмас. Бунда ёшларнинг катта ҳаётга ташлаётган дастлабки қадами, эртанги кунга бўлган ишончи, ҳаётдан рози бўлиб яшаши каби устувор мақсад мужассамлашган.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



кредитлари янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ фаолиятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш устувор аҳамияти касб этмоқда. 2013 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига **42,3 млрд. сўм** миқдорда кредит маблағлари ажратилган бўлса, 2014 йилда эса **55,2 млрд. сўм** кредит йўналтирилиши режалаштирилди. Жорий йилнинг 1 чораги давомида ушбу соҳага **13,5 млрд. сўм** миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **6,2 млрд. сўмга ёки 1,8 баробарга** ошганини аниқлатади.

— Корхонамиз аҳолига кенг турдаги сервис ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланади, — дейди **Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидаги «Шифо» кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари М.Аминов**. — Жумладан, Термиз ва Шеробод шаҳарларида дори-дармонлар савдоси, чакана савдо, сартарошхона, ошхона ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Бунда «Ўзсаноатқурилишбанк» Сурхондарё минтақавий филиалининг корхонамизга қўрсатаётган молиявий кўмаги асқотмоқда. Масалан, 2011 йилда филиалнинг **96,1 млн. сўмлик** кредит маблағлари ҳисобига Термиз шаҳридаги клиникасини замонавий ультратовушли УТТ аппарати ва лаборатория учун зарур бўлган тиббий ускуналар билан жиҳозлаган эдик. Шеробод шаҳри-

даги тиббий марказимизни ҳам замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш фикри туғилди. Яна банкка мурожаат қилдик. **250,0 млн. сўм** миқдорда ажратилган кредит ҳисобига энг сўнгги рўсумдаги ультратовушли УТТ ҳамда электрокардиография аппарати ва бошқа тиббий асбоб-ускуналар олиб келиниб, ўрнатилди. Натижанда ўнча янги иш ўрни яратдик.

— «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд минтақавий филиали бизга катта ёрдам бермоқда, — дейди **«Madadi Sino Medikal Servis» масъулияти чекланган жамияти раҳбари А.Умаров**. — 2013 йилда жамиятимизга банк филиали томонидан Германиянинг «Siemens» фирмасида ишлаб чиқарилган энг сўнгги рўсумдаги «Somatom 16 Excel Edision» русумли компьютер томографияси сотиб олиш учун **406,0 минг евро** миқдорда кредит маблағи ажратиб берилди. Лойиҳанинг ишга туширилиши натижасида аҳолига турли хилдаги касалликларга ташхис қўйиш бўйича имконият пайдо бўлди. Кўрсатилаётган тиббий хизматларимиздан фойдаланувчилар сонига ўтган йилга нисбатан икки мартабача ошди. 5 та иш ўрни ташкил қилинди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» Фарғона минтақавий филиали томонидан «Bio-test Medikal» масъулияти чекланган жамиятига рентгенкабинет учун замонавий тиббиёт ускунаси сотиб олишга кредит маблағлари йўналтирилди. **300,0 млн. сўм** миқдорда кредит маблағлари ҳисобига рақамли рентгенография ускунаси сотиб олинди.

Нурота туманида жойлашган «Равшан-Мирзахид» МЧЖ раҳбари Маъсуд Жуманазаров ўз фикрларини шундай баён этди: — Жорий йилда меҳмонхона хизмати фаолиятини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилган бизнес-режамизга асосан «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Навоий минтақавий филиалига мурожаат қилдик. Имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши ҳисобига меъбелар ва маиший техника жиҳозлари сотиб олдим. Меҳмонхонанинг машхур зияратгоҳ «Чашма» мажмуаси яқинида жойлашганлиги, унинг об-ҳавоси ҳамда тарихий ёдгорликлари маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун аниқ муқаддир.

Банкинг Коракалпоғистон Республикаси Тахياتош филиали банк хизматларида фойдаланаётган «Милениум Тахياتош» хусусий фирмаси раҳбари К.Абдуллаев шундай дейди: — Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш маркази биносини қайта реконструкция қилиш мақсадида қурилиш моллари, зарур жиҳозлар ва инвентарлар сотиб олиш бўйича бизнес-режа ишлаб чиқдик. Банк филиали лойиҳамизни молиялаштириш мақсадида **350,0 млн. сўм** миқдорда кредит ажратди. Бу маблағга Тахياتош шаҳрида жойлашган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш марказининг эски биносини қайтадан реконструкция қилдик. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 25 янги иш ўрни яратдик.

— Хонқа туманидаги маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежини битирган, кишлоқ ҳудудда аҳоли ва ташкилотларнинг транспорт воситаларини таъмирлаш, уларга тех-

кредит маблағлари йўналтирилди. **300,0 млн. сўм** миқдорда кредит маблағлари ҳисобига рақамли рентгенография ускунаси сотиб олинди.

Нурота туманида жойлашган «Равшан-Мирзахид» МЧЖ раҳбари Маъсуд Жуманазаров ўз фикрларини шундай баён этди: — Жорий йилда меҳмонхона хизмати фаолиятини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилган бизнес-режамизга асосан «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Навоий минтақавий филиалига мурожаат қилдик. Имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши ҳисобига меъбелар ва маиший техника жиҳозлари сотиб олдим. Меҳмонхонанинг машхур зияратгоҳ «Чашма» мажмуаси яқинида жойлашганлиги, унинг об-ҳавоси ҳамда тарихий ёдгорликлари маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун аниқ муқаддир.

Банкинг Коракалпоғистон Республикаси Тахياتош филиали банк хизматларида фойдаланаётган «Милениум Тахياتош» хусусий фирмаси раҳбари К.Абдуллаев шундай дейди: — Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш маркази биносини қайта реконструкция қилиш мақсадида қурилиш моллари, зарур жиҳозлар ва инвентарлар сотиб олиш бўйича бизнес-режа ишлаб чиқдик. Банк филиали лойиҳамизни молиялаштириш мақсадида **350,0 млн. сўм** миқдорда кредит ажратди. Бу маблағга Тахياتош шаҳрида жойлашган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш марказининг эски биносини қайтадан реконструкция қилдик. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 25 янги иш ўрни яратдик.

— Хонқа туманидаги маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежини битирган, кишлоқ ҳудудда аҳоли ва ташкилотларнинг транспорт воситаларини таъмирлаш, уларга тех-

2013 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 42,3 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилган бўлса, 2014 йилда эса 55,2 млрд. сўм кредит йўналтирилиши режалаштирилди.

ник хизмат кўрсатиш ҳамда автомобилларни ювish шохобчаси очилди ўз олдига мақсад қилганим, — дейди ёш тадбиркор Эгамберди Раҳмонов. — Махсус сертификат асосида менга 2013 йилда «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ **Хоразм минтақавий филиали** «Имтиёзли кредитлаш жамғармаси» маблағлари ҳисобидан 2 йил муддатга **28,0 млн. сўм** имтиёзли кредит ажратиб берди. Бунинг ҳисобига автомобилларни таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва ювish шохобчаси учун эҳтиёт қисмлар ҳамда ускуналар сотиб олдим. Янги иш ўринлари очилди.

Ўқоридагилар банк фаолиятдан келтирилган айрим мисоллар холос. Келгусида ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини молиявий қўллаб-қувватлашга, ажратилаётган кредитлар ҳамини ошириб бориш ҳамда юртимиз раванқи учун ўз ҳиссасини қўйиш банкнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Кредит операциялари департаменти.

Тинч мамлакатда musiqa янграйди...

Бу — Норвегиянинг Берген университети коллежи ва Григ академияси профессори, «Шарқ тароналари» IX халқаро musiqa фестивали иштирокчиси Дэвид Хербертнинг фикри

ЎЗБЕКISTON ДЎСТЛАРИ

— Мен Ўзбекистон халқининг самимий муносабатидан ҳайратга тушганман, — дейди у. — Юртингизнинг гўзаллиги ўзига хос. Аънанавий ўзбек musiқаси ва рақс санъати, бетакорр архитектура ва ширин таомлар Ўзбекистонга келган ҳар қандай одамни ўзига мафтун қилади.

«Шарқ тароналари» фестивали менинг илмий фаолиятимда муҳим ўрин тутди. Ушбу фестиваль мисолида яна бир бор амин бўлдимки, musiqa халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

«Шарқ тароналари»ни дунёнинг бошқа мамлакатларида ўрнатилган бўлиши мунтазам кузатиб бораман. Улар аънанавий musiқанинг ўзига хос жиҳатлари, ҳақон санъатига тугган ўрни ҳақида батафсил маълумотга эга.

Ўзбек musiқашуносларининг бахти шундаки, улар «Шарқ тароналари» фестивали доирасида ўтказилаётган халқаро конференцияда дунё musiқашуносларини, халқаро экспертларининг маърузаларини, фикрларини тинглапти, ўз мулоҳазаларини ўртага ташлапти. Натижада бу борада юксалиш кўзга ташланмоқда.

Самарқанд узра нафақат жаҳон musiқаси таралмоқда, балки дунё халқларининг бебаҳо маънавий меросини сақлаш, тарғиб қилиш, бутун инсоният мулқига айлантириш борасида тенгсиз ишлар қилинмоқда. Мен конференциянинг барча секциялари ишида қатнашишга ҳаракат қилдим. Улардан олам-олам таассуротлар олдим. Турли давлатлардан келган соҳа мутахассисларининг фикрларини тинглаш жуда қизиқ, мароқли. Умуман, маърузачиларнинг иштирокини ўтказиш борасидаги ташкилий ишлар жой-жойига қўйилган.

Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ҳақида кўп маълумотга эга эмас эдим. Юртингизда тарихий ва замонавий биноларнинг ажойиб уйғунлиги яратилганини кўриб, вақтироқ бу ерга келганимдан афсусланганман. Анча йиллар илгари ўзбек қўшиқлари ва рақслари жамланган видеони кўрган вақтиндақ менда юртингизга боғиш истаги пайдо бўлган эди. Таъкидлаш жоизки, «Шарқ тароналари» Ўзбекистон номини жаҳонда янада машҳур бўлишига хизмат қилмоқда.



— Самарқанд таассуротлари ҳақида нима дея оласиз? — Самарқанд дунёнинг тарихий шаҳарлари орасида энг чиroyилларидан бири. Умид қиламанки, Самарқанднинг гўзаллиги ҳар доим бутун дунёни оҳанрабодек ўзига тортиб туради, ҳамюртларингиз шаҳарингиз бебаҳо бойлиқларини асрашади. Менга бир жихат маълум бўлди: Ўзбекистонда миллий аъна-

лар, тарихий биноларни сақлашда давлатнинг ўрни бекиёс экан. Мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлишида эса туризмнинг роли катта. Уйлайманки, Ўзбекистон ўзининг туристик салоҳиятидан янада кенг фойдаланади. Мен яна бир бор Ўзбекистонга бориб Тошкент ва Бухорони сайр қилишни оруз қиламан. Асосий вақтимни эса Самарқанддаги буюк маданий меросни ўрганишга сарфлайман. Ўзбек халқи меҳмондўст. Улар билан узоқ суҳбатлашни истаيمان. Менга ўзбек таомлари жуда маъқул бўлган эди. Айниқса, ошни жуда соғиндим. Фестивалга ташриф буюрган ҳар бир меҳмон ўзларига кўрсатилган

Самарқанд узра нафақат жаҳон musiқаси таралмоқда, балки дунё халқларининг бебаҳо маънавий меросини сақлаш, тарғиб қилиш, бутун инсоният мулқига айлантириш борасида тенгсиз ишлар қилинмоқда.

Менинг назаримда, ўзбек musiқаси бетакорр. У ўзининг қадимий аънаваларига эга. Айниқса, ўзбек рақси мени жуда ром қилган. Ушбу санъатни жаҳонга олиб чиқиш керак. Бу борада «Шарқ тароналари» бекиёс ўрин тутди.

«Шарқ тароналари» musiқа анжуманининг шахсан Президентингиз Исом Каримов томонидан ташкил этилгани ва у киши фестивалнинг очилиш маросимида қатнашгани musiқашуносларимиз сифатида қалбимни фахр-ифтиҳорга тўлдирди. Шунингдек, ЮНЕСКО бош қотиби Ирина Бокваннинг иштироки ҳам фестивалнинг нуфузи қанчалик баланд эканлигини билдиради. Буларнинг

ҳаммаси фестиваль иштирокчилари учун фойдали бўлиш билан бирга Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан маданий алоқаларини янада мустаҳкамлайди.

Уйлайманки, сизлар ўзингизнинг бой musiқий хазинангизни асрайсиз. Санъат ва маданият ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Сизлар фарзандларингиз қалбига мана шу туйғуларни синдиришингизга ишонаман.

— Дўстлик тушунчасини сиз қандай изоҳлайсиз?

«Шарқ тароналари»да кўп-кўп ўзбекистонликлар билан дўстлашдим. Умид қиламанки, улар менинг юртимга қачондир келишади. Шунда дўстларим олдида ўзбекларникидан кам бўлмаган дастурхон ёзаман. Ўзим ҳам 2015 йилда бўлади-кан «Шарқ тароналари»да қатнашиш нияти ва орузи билан яшапман.

Мен ўзбекларнинг, Ўзбекистоннинг дўсти эканимдан бир умр фахрланаман.

— Ўзбек халқига тилақларингиз?

— Ўзбек халқига тинчлик, бахт тилайман. Фақат тинчлик ҳукм сурган, тинчлик мустаҳкам бўлган, тинчлик қадрланган мамлакатда musiqa янграйди, одамлар қўшиқ куйлайди, хурсандчилик қилади. Тинч юртга меҳмон келади. Тинч давлатнинг халқи фаровон яшайди. Ўзбекистонда тинчлик абадий бўлсин.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Темур АЪЗАМ суҳбатлашди.



Қизамиқ вирусига қарши



Янги восита тажрибадан ўтказилди

Қизамиқ қарши янги синовдан ўтказилган «ERDRP-0519» тиббий воситаси йилга ўртача 150 минг кишининг ёстигини қуритувчи қизамиқ эпидемиясига бутунлай барҳам бериши мумкин. Тажриба муаллифлари бўлиши Эмори ҳамда Пол-Эрик институти олимлари бу ҳақда маълумот тарқатдилар.

Мазкур тиббий восита қизамиқ вируси концентрациясини камайтириш қувватига эга. У ҳозирча фақат жониворлардагина қўрилади. Яъни қизамиқдан қолишмайдиган ва унга ўхшаш ит ўлати вируси итларда синовдан ўтказилди. Натижа кутилгандек бўлди. Энди олимлар бу тажрибани миймунлардагина қўримоқчи. Агар натижа яна самарали кечса, яқин йиллар ичида одамларда клиник синовлар бошланади.

Маълумки, бугунги кунда қизамиқдан муқим ҳимояланиш учун аҳолининг, айниқса, болаларнинг 90 фоизи қизамиқ қарши эмланган бўлиши шарт. Эмланмаган ҳар уч одамнинг бири қизамиққа чалинган, албатта, зотилган ёки мия шомолашига дучор бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Янги тиббий восита танада қизамиқ вируси кўпайишига қаршилик қилади ва иммунитетни кучайтиради.

Бугундан чора кўрилмаса



эртага кеч бўлади

Ортиқча вазнга эга аҳоли ҳақида гап кетгудек бўлса, ҳаёлга АҚШ ёки Мексика келади. Бу бежиз эмас. Негаки, айнан шу мамлакатларда ортиқча вазнга эга аҳоли сони етакчи ўринда. Лекин бу жараён дунё бўйича хануз ўсишда давом этмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа худуди бўйича килперти Лаура Вэббернинг баён қилишича, ортиқча вазн тўплаш жараёни Европада ҳам кенг тус олмақда. Европа худудига кирувчи ва унга яқин 53 мамлакат аҳолисининг тана вази индексини таҳлили шундай дейишга асос бўлмоқда. Агар бугундан чора кўрилмаса, 2030 йилга бориб Европа мамлакатлари аҳолиси ҳам ортиқча вазн тўплаш бўйича етакчи ўринларга чиқиб олади. Айниқса, Ирландияда аҳоли жиҳидий.

«Ремедиум» портали хабарига қараганда, бу ерда эркаларнинг 90 фоизи, аёлларнинг эса 84 фоизи ортиқча вазнга эга. Ундан кейинги ўринларни Чехия, Испания ва Польша эгаллаб, уларда бу кўрсаткич 80 фоизни ташкил қилади. Буюк Британияда эса бу рақам 75, Голландияда 47, Бельгияда 44 фоиз атрофида.

УзХДП партия раъзи туширилган реклама воситаларини (футболка, поло, кепка) тайёрлаш бўйича 2014 йилнинг 29 майдан 13 июнига қадар тендер эълон қилади.

Богланиш учун телефонлар: 239-11-98; 239-12-09. Факс: 239-13-20; E-mail: info@xdp.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV ISSN 2010-7633 1 2 3 4 5

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

«Қарши халқаро аэропорти» давлат унитар корхонаси

қуйидаги объект қурилиш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

«Қарши халқаро аэропорти» давлат унитар корхонасининг Шахрисабз шаҳридаги ёрдамчи хўжалиги учун 300 бош қўйга мўлжалланган қўйхона қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи: ҚҚС билан — 268 480 800 сўм, ҚҚСсиз — 223 734 000 сўм, қурилиш муддати — 4 ой.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: «Қарши халқаро аэропорти» давлат унитар корхонаси.

Манзили: Қарши шаҳри, Махтумқули кўчаси, 3-уй. Тел. (8-375) 228-52-53.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келиши керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қароланомаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) қилиниши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектурлиши» кўмитасининг Қашқадар вилоти қурилиш-да танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиши мумкин: Қарши шаҳри, Хонобод соҳаси кўчаси, 46-А уй, тел/факс: (8-375) 224-05-24, 224-18-33.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 90 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиши кунни ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Махтумқули кўчаси, 3-уйда ўтказилади.

РЕКЛАМА

Тошкент давлат шарқшунослик институти

қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

1. Араб филологияси кафедраси: доцент — 1 ўрин.
2. Эрон-афгон филологияси кафедраси: профессор — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин (дарий тили бўйича).
3. Туркий тиллар кафедраси: профессор — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин.
4. Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин (0,5 ставка — Вьетнам адабиёти бўйича); доцент — 1 ўрин (0,5 ставка — турк адабиёти бўйича).
5. Мумтоз филология кафедраси: профессор — 1 ўрин (араб хатотлиги бўйича 0,5 ставка).
6. Фалсафа кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; профессор — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин.
7. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси: доцент — 1 ўрин.
8. Жаҳон сиёсати кафедраси: доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин.

9. Педагогика ва жисмоний тарбия кафедраси: психология ўқитувчиси — 1 ўрин.
10. Математика ва информатика кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.
11. Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси: профессор — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.
12. Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
13. Фарбий Европа тиллари кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; профессор — 1 ўрин (инглиз тили бўйича); доцент — 1 ўрин (инглиз тили бўйича); катта ўқитувчи — 1 ўрин (испан тили бўйича); катта ўқитувчи — 1 ўрин.
14. Яқин ва Урта Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги кафедраси: доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин.
15. Хитой ва Жануби-Шарқий Осиё минтақаси иқтисодиёти ва мамлакат-

16. шунослиги кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин.
17. Узоқ Шарқ минтақаси иқтисодиёти кафедраси: профессор — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин.
18. Инглиз тили кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.
19. Хитой филологияси кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.
20. МДХ минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослик кафедраси: профессор — 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиш лозим.

ХУЖЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан).
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари.
4. Белгиланган талабларга қўра эгаллаш лавозимини асосида тегишли мутахассислик бўйича маъруза ўқишда чет тили (инглиз тили) ва информатика технологиялардан фойдаланиш кўникмиси (сертификат ва малака ошириш курслари асосида).
5. Тасдиқланган илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.

Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Телефонлар: 233-45-21, 233-44-36.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилоти ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги объектларни қуриш бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

- Лот 4-1.** Сурхондарё вилоти, Денов тумани «Қизилжар» ҚФЙ «Чўнтош» қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.
- Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 644,602 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 537,168 млн. сўм, қурилиш муддати — 180 кун.
- Лот 4-2.** Сурхондарё вилоти, Кумўйғон тумани «Аропоя» маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш.
- Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 562,305 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 468,587 млн. сўм, қурилиш муддати — 180 кун.
- Лот 4-3.** Сурхондарё вилоти, Кумўйғон тумани «Истиқлол» маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш.
- Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 269,260 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 224,383 млн. сўм, қурилиш муддати — 60 кун.
- Лот 4-4.** Сурхондарё вилоти, Сарийосё тумани «Дашнобод» ҚФЙ «Нелова» маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш.
- Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 234,950 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 195,792 млн. сўм, қурилиш муддати — 120 кун.
- Лот 4-5.** Сурхондарё вилоти, Термиз шаҳри «Ишчи-

- лар», «Ўзбекистон» ва «Учқун» маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш.
- Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 144,160 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 120,133 млн. сўм, қурилиш муддати — 90 кун.
- Буюртмачи:** Сурхондарё вилоти ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
- Манзили:** Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.
- Тел/факс:** (8-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.
- Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** — давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
- Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қароланомаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
- Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш

ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) қилиниши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан қурилиш қиймати 500 млн. сўмгача бўлган объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, қурилиш қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган объектларнинг танлов савдоларида оферталар баҳоланиб кўрсаткичлар тенг бўлганда устуллик кичик бизнес субъектларига берилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектурлиши» кўмитасининг Сурхондарё вилоти қурилиш-да танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиши мумкин: Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 221-44-73, 221-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи объект қиймати қараб — 70 000 сўмдан 100 000 сўмгача.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиши кунни ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek, Mustafoyev, Muslihidin, Muhiddinov, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV, Tat'yana KISTANOVA

Qabulxonona — 233-65-45 Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56 E-mail: info@uzbekistonovozi.uz MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV